

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЧЕТ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА МОБИЛ ИЛОВАЛАРНИНГ ЎРНИ

Ирода Санъат кизи Тоҳирова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

Аннотация: Ушбу мақола Олий таълим муассасаларида чет тилини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланишга бағишланган. Шунингдек, таълимни ахборотлаштириш масалалари ва ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг турли жиҳатлари кўриб чиқилган. Чет тилларини ўқитишда мобил иловаларнинг имкониятлари тавсифланган ҳамда улардан фойдаланиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *информацион коммуникацион технологиялар, геймификация, таълимни ахборотлаштириш, тинглаш, ўқиш, гапириш, грамматика, ўқиш, чет тили таълимида мобил қурилмалар, мобил иловалар.*

Abstract: *This article is devoted to the use of mobile applications in foreign language teaching in higher education institutions. Also, issues of informatization of education and various aspects of using information technologies in the educational process were considered. The possibilities of mobile applications in teaching foreign languages are described and the characteristics of their use are analyzed.*

Key words: *information communication technologies, gamification, education informatization, listening, reading, speaking, grammar, reading, mobile devices, mobile applications in foreign language education.*

КИРИШ

XX аср охири XXI аср бошларига келиб жаҳон ҳамжамияти интеграцияси, глобаллашув шароити, жадал ривожланиш ва ахборот-коммуникация технологияларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши натижасида хорижий тилларни ўрганишга бўлган талаб кескин равишда ортиб бормоқда. Мамлакатимизда ёш авлоднинг жаҳон илм-фани ютуқлари ва илғор технологиялардан кенг фойдалана оладиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида чет тилларини ўқитишга эътибор йилдан-йилга ошмоқда. Шунинг учун ҳам битирувчи кадрларнинг бир нечта тил билишлари долзарб масалалардан бирига айланиб, ҳаттоки, давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 6 май куни ўтказилган “Чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет

тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий меъзонига айланиши лозим” – деб таъкидлади⁶.

Шу мақсадга эришиш учун хорижий тилларни ўргатишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш ва ўқув жараёнига инфор­мацион технологияларни киритиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ:

Замонавий ўқитиш жараёнига инфор­мацион дастурий таъминотларни киритиш оммалашиб бормоқда. Бу махсус дастур ва мобил иловаларни таълимга киритганда, унинг дарсга таъсири, ютуқ ва камчиликлари борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бу дастур ва мобил иловалар бўйича А.П.Авраменко, В.Н. Шевченко⁷, О.М.Акай, Г.С. Завгородняя⁸, Н.В. Загуменникова⁹, Е.В.Воевода¹⁰, Н.И. Герасимова¹¹, А.М. Григоренко¹², Ю.А. Гузь¹³, Ю.В. Еремин, Е.А.Крылова¹⁴, В.А.Куклев¹⁵, М.А.Курбакова, А.А.Колесникова¹⁶, М.А.Одинокая, М.В.Коллерова¹⁷, О.И. Пащенко¹⁸, Е.А.Приходько¹⁹, П.В. Сысоев²⁰, С.В.Титова²¹, Г.М. Чиннери²², С.Жонес²³ лар тадқиқотлар олиб боришган. Бу тадқиқотларда асосан ғарб тилларини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланишга эътибор қаратилган. Шарқ тилларини ўқитишда

⁶ <https://www.gazeta.uz/oz/2021/05/06/vidoselector/>

⁷ Авраменко А.П., Шевченко В.Н. Мобильные приложения как инструмент геймификации языкового образования // Вестник МГОУ. Серия: Педагогика. 2017. № 4. С. 64-71.

⁸ Акай О.М., Завгородняя Г.С. Роль Интернет-технологий в современной концепции обучения иностранным языкам [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 5.

⁹ Загуменникова Н.В. Мобильное обучение в преподавании русского языка как иностранного: классификация, обзор возможностей мобильных приложений // Вестник ПНИПУ. Проблемы языкознания и педагогики №4. 2022. – С.109-119

¹⁰ Воевода Е.В. Интернет-технологии в обучении иностранным языкам // Высшее образование в России. 2009. № 9. С. 110-114.

¹¹ Герасимова Н.И. Использование мобильных приложений в обучении иностранному языку на неязыковых факультетах [Электронный ресурс] // Ученые записки. Электронный научный журнал Курского государственного университета. 2019. № 3 (51).

¹² Григоренко А.М. Мобильные приложения как средство организации самостоятельной работы при изучении грамматики иностранного языка // Научно-педагогическое обозрение. 2019. № 1 (23). С. 122-129.

¹³ Гузь Ю.А. Эффективное использование мобильных приложений и планшетов в обучении иностранному языку // Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2017. № 4 (21). С. 59-62.

¹⁴ Еремин Ю.В., Крылова Е.А. Использование мобильных технологий в самостоятельной работе студентов по иностранному языку в неязыковом вузе // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. 2014. № 167. С. 158-166.

¹⁵ Куклев В.А. Становление системы мобильного обучения в открытом дис-танционном образовании: автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – Ульяновск, 2010. –47 с.

¹⁶ Курбакова М.А., Колесникова А.А. Использование приложения Quizlet в обучении техническому английскому // Педагогическое образование в России. 2019. № 8. С. 103-109.

¹⁷ Одинокая М.А., Коллерова М.В. Роль образовательных мобильных приложений в изучении английского языка // Интерактивная наука. 2017. № 12. С. 100-102.

¹⁸ Пащенко О.И. Информационные технологии в образовании. Уч.-мет. пособие. Нижневартовск: Изд-во НВГУ, 2013. 227 с.

¹⁹ Приходько Е.А. Современные информационные (мобильные) технологии в преподавании грамматики английского языка (нелингвистические специальности) // Вестник МГЛУ. № 9 (720). С. 147-150.

²⁰ Сысоев П.В. Современные информационные и коммуникационные технологии: дидактические свойства и функции // Язык и культура. № 1 (17). С. 120-133.

²¹ Титова С.В. Дидактические проблемы интеграции мобильных приложений в учебный процесс // Вестник Томского государственного университета. 2016. Т. 21. Вып. 7-8. С. 7-14.

²² Chinnery G.M. Going to the MALL: Mobile Assisted Language Learning // Language Learning & Technology. 2006. Vol. 10. No 1. P. 9-16.

²³ Jones S. PLATO: computer-based education system [Электронный ресурс] // Encyclopaedia Britannica [сайт]. 2020.

мобил иловалардан фойдаланишга доир тадқиқотлар олиб борилмагани боис, уларни ўрганиш ҳозирги кунда долзарб саналади.

МЕТОДЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

- чет тилини мобил ўрганиш муаммоларига бағишланган илмий-методик маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш;

- шарқ тилларини ўқитишда мобил технологиялари хусусиятларини таққослаш ва уларни дидактик имкониятлар нуктаи назаридан таснифлаш имконини берадиган тавсифловчи усул.

МУҲОКАМА

2020 йил баҳор ойида Республикамизда масофавий таълимга мажбурий ўтиш замонавий рақамли технологияларнинг турли ютуқлари бўлмиш рақамли лингводидактика асосларини билиш ва амалиётда қўллай олиш профессор-ўқитувчи учун қанчалик муҳимлигини кўрсатди. Ҳозирги кунда бутун таълим тизими олдида чет тили ўқитувчиси қўтилмаган ва ноаниқ вазиятда ҳам замонавий шарқ тилларидан профессионал даражадаги юқори таълим сифатини таъминлаган ҳолда дарс ўтиш энг муҳим вазифа сифатида турибди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши инсон ҳаётининг барча жабҳаларига, жумладан, таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнида интернет ресурслари, компьютер ва мобил технологиялардан фаол равишда фойдаланмоқдалар. Шу сабабли таълимда, хусусан, чет тилларини ўқитиш соҳасида замонавий инфокоммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш зарурати туғилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари - бу компьютер технологиялари ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ахборот жараёнлари ва ахборот билан ишлаш усуллари. Ўз навбатида, таълим тизимини таълим ва тарбия мақсадларини амалга оширишга қаратилган янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш назарияси ва амалиёти билан таъминлаш жараёни таълимни ахборотлаштириш деб аталади.²⁴ Ахборот ҳажмининг тез ортиб бориши ва ундан чексиз фойдаланиш ўқитувчилардан мавжуд ўқув курслари мазмунини доимий равишда янгиланган боришни, шунингдек, таълим жараёнига энг янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг масофавий таълим ва оммавий онлайн таълим каби янги шакллари, шунингдек, таълим жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро алоқа ва ахборот ва билим алмашишнинг янги усуллари пайдо бўлмоқда²⁵. Янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўқув жараёнига жорий этилиши ўқув фаолиятининг янги турларини юзага келтирди. Улардан бири электрон

²⁴ Пашенко О.И. Информационные технологии в образовании. Уч.-мет. пособие. Нижневартовск: Изд-во НВГУ, 2013. – С.25

²⁵ Макарова Т.А. Современные ориентиры обновления содержания образования в высшей школе // Профессиональное образование. 2015. № 3. С. 39.

таълим – “ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқитиш” эди. Электрон таълим 1960 йиллардан бошлаб, компьютерлар ва турли дастурий таъминотлар ўқув жараёнида фаол қўлланила бошланган пайтдан ривожлана бошлади ва АҚШдаги Иллинойс университетида биринчи PLATO (Programmed Logic for Automated Teaching Operation) электрон таълим тизими ихтиро қилинди. “e-learning” атамаси кейинроқ XXаср 90-йилларида пайдо бўлган.

Таълимнинг янги йўналишларидан бири мобил таълим (m-learning) – “таълим олувчининг қаерда турганлиги ёки жойини ўзгариши ҳам таъсир ўтказа олмайдиган, мобил қурилмалардан фойдаланган ҳолда ўқий оладиган электрон таълим туридир.

“Мобил иловалар” – бу маълум платформага ўрнатилган ва маълум функцияларга эга бўлган планшетлар ва смартфонлар учун ишлаб чиқилган дастурдир. Оддий қилиб айтганда, у муайян ҳаракатларни амалга оширади ва маълум бир қатор масалаларни ҳал қилади²⁶. Мобил таълимнинг асосий афзалликлари орасида портативлик, исталган вақтда ва исталган жойда фойдаланиш имконияти, мослашувчанлик ва ўз вақтида кириш, тезкор алоқа, талабаларни рағбатлантириш ва жалб қилиш, фаол ўрганиш киради²⁷.

Замонавий ахборот технологиялари чет тилларини ўқитиш соҳасига сезиларли таъсир кўрсатади, чунки улардан фойдаланиш имкониятлари хилма-хил ва албатта, истиқболли ҳамдир. Замонавий ахборот технологиялари ёрдамида чет тилларини ўқитишни ўрганадиган компьютер лингводидактикаси тахминан 50 йил олдин шаклланган, шунга қарамай бу вақт ичида янги технологияларнинг ривожланиши туфайли сезиларли ўзгаришларга дуч келди. Чет тилидаги нафақат ўқув веб-сайтлари, луғатлар, энциклопедиялар, балки жуда катта ҳажмдаги маълумотлар ва мультимедиялар ҳам ўқитувчилар, ҳам чет тилини ўрганувчилар учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, электрон почта, блоглар, овозли ва видео кўнғироқлар дастурларининг пайдо бўлиши халқаро ва маданиятлараро мулоқот учун имкониятлар яратди. Интернет технологияларининг ривожланиши туфайли масофавий ва онлайн таълим тизими ишга туширилди. Ўзбекистонда ҳам Олий ўқув юртларида масофавий таълими бакалавр йўналишларга мос равишда очилди. Жаҳонда эса масофавий ва онлайн таълим бериш тизими тобора авж олмоқда.

Шундай қилиб, Интернет ёзиш, ўқиш, тинглаш (видеоларни тинглаш ва томоша қилиш) ва гапириш амалиёти учун кенг шароит яратади²⁸.

Ҳозирги кунда компьютер лингводидактикаси чет тилларини нафақат компьютер ёрдамида, балки мобил қурилмалар ёрдамида ҳам ўргатишни йўналтиради.

Хорижий тилларни мобил қурилмалар ёрдамида ўрганиш – MALL (mobile assisted language learning) атамаси орқали, компьютер ёрдамида тил ўрганиш – CALL

²⁶ Абдукодиров В. Г. Тил ўрганишда мобил иловалар // Eurasian Journal Of Academic Research. Т. – 2022. №. 6. – Б. 810-812

²⁷ Woodill G. The mobile learning edge: tools and technologies for developing your teams. NY: McGraw Hills. 2011. - P.24.

²⁸ Воевода Е.В. Интернет-технологии в обучении иностранным языкам // Высшее образование в России. 2009. №9. –С. 111.

(computer assisted language learning) атамаси қисқартмасидан келиб чиққан. Бу атама инглиз тилида сўзлашувчилар учун фанда нисбатан яқинда пайдо бўлган, биринчи эслатмалардан бири 2000 йилларнинг бошларида учрайди. Масалан, Ж. М. Чиннери тил ўрганишга коммуникатив ёндашув доирасида чет тилларини ўрганишда мобил қурилмалардан фойдаланишни ижобий томонларини тасвирлайди²⁹.

Мобил таълим тил таълими тизимини модернизация қилиш имконини беради, синфда ўқитишни индивидуаллаштириш, мустакил таълимга эътибор қилиш тамойилини амалга ошириш имконини беради³⁰.

Агар ўқув курслари, дастурлари ва бажарилиши лозим бўлган вазифалари мобил форматда ишлаб чиқилган бўлса, мобил қурилмалар яқка ва гуруҳли ўқитишни самарали ташкил этиш имконини беради, шунингдек, техник воситалар ва виртуал муҳитдан фойдаланиш орқали талабаларнинг тил ўрганишга бўлган иштиёқини оширишга кўмаклашади.

Таълимга мўлжалланган мобил иловаларнинг асосий мақсади кўпинча таълимга ўйин вақтларини киритиш орқали, ўқув жараёнини енгиллаштириш, унинг қизиқарли ва самарадорлигини оширишга қаратилади ва бу жараён таълимнинг геймификацияси деб аталади³¹. Геймификация деганда ўқувчиларнинг ўйиндан ташқари шароитда ўйин техникасидан ўқув жараёнига қизиқиши ва рағбатини ошириш мақсадида фойдаланиш тушунилади³². А.П.Авраменко, В.Н.Шевченко “Геймификация мобил иловаларни талабаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга қаратилган ўйин воситаси сифатида қараб, мобил иловалар ушбу компетенциянинг турли таркибий қисмларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши мумкин” – деб ҳисоблашади³³.

Мобил таълим соҳасидаги энг қийин услубий муаммолардан бири ўрганиш учун ишлатилиши мумкин бўлган мобил иловаларни таснифлаш мезонларини ишлаб чиқишдир.

С.В. Титова тўрт турдаги нутқий фаолият кўникмаларини ривожлантириш учун қўлланилиши мумкин бўлган дидактик (ўқув) мобил иловаларни ва ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган инструментал мобил иловаларни кўрсатиб ўтган. Ўз навбатида, дидактик мобил иловаларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

– нашриётлар ва тижорат ташкилотлари томонидан яратилган (масалан “Free ESL Apps Interactive English” ва бошқалар.);

– ўқитувчи томонидан тайёр дастур асосида шаблон бўйича яратилган (масалан, “Quizlet”);

²⁹ Chinnery G.M. Going to the MALL: Mobile Assisted Language Learning // Language Learning & Technology. 2006. Vol. 10. No 1. –P. 9-16.

³⁰ Авраменко А.П., Шевченко В.Н. Мобильные приложения как инструмент геймификации языкового образования // Вестник МГОУ. Серия: Педагогика. 2017. № 4. –С. 64-71.

³¹ Титова С.В. Дидактические проблемы интеграции мобильных приложений в учебный процесс // Вестник Томского государственного университета. 2016. Т. 21. Вып. 7-8. – С. 8-9.

³² Авраменко А.П., Шевченко В.Н. Мобильные приложения как инструмент геймификации языкового образования // Вестник МГОУ. Серия: Педагогика. 2017. № 4. – С. 65.

³³ Ўша мақола. – Б.66.

– Муайян операцион тизим учун инструментал мобил иловадан фойдаланган ҳолда ўқитувчи томонидан яратилган (масалан, Moodle)³⁴. [17, с. 9].

Таълим мобил иловалари С.В.Титова уларни қўллаш имконияти ва ўқув жараёнига интеграциялашув даражасига қараб уч гуруҳга бўлишни таклиф қилади:

1. Мавжуд ўқув қўлланмалари ва курсларига қўшимча равишда синфда ва дарсдан ташқари ишларда қўлланиладиган мобил иловалар.

2. Ўқув фанини мустақил ўрганишга мўлжалланган, ўқитувчи томонидан қўшимча материал сифатида фойдаланишга берилган иловалар.

3. Фанга доир барча асосий ўқув материалларини ўз ичига олган масофавий таълим учун иловалар (мобил таълим)³⁵.

Хорижий тил ўрганувчилар учун тил компетенциясини ривожлантиришга қаратилган бир қатор иловалар мавжуд. Мобил иловаларнинг аксариятида лингвистик компетенция деганда ўрганилаётган тил ҳақида унинг барча даражаларида: фонемик, морфемик, лексик, синтактик маълумотлар тизимига эга бўлиш ва бу билимлардан амалда фойдалана олиш тушунилади³⁶.

“Duolingo”, “Quizlet”, “Practice English Grammar”, “Merriam Webster Dictionary”, “LearnEnglish Kids: Phonics Stories”, “Lingualeo” “Memrise”, “Busuu”, “Pimsleur”, “Beelinguapp”, “Mondly”, “Drops”, “Wordbit”, “Rosetta stone”, “Learn arabic for beginners”, “Arabic pod101.com”, “Lingq” каби иловалар ва хизматлар иловалар ва хизматлар шарқ ва ғарб тилларининг тил компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилиши мумкин.

Юқоридаги мобил иловаларни танлашда бир неча томонларни инобатга олиш маъқул бўлади. Бу борада С.В. Титова юқори сифатли мобил иловаларни танлаш мезонлари тизимидан фойдаланишни таклиф қилиб, техник, ташкилий ва молиявий, психологик-педагогик ва эргономик мезон гуруҳларини кўрсатиб ўтган³⁷. Масалан, “Lingualeo”, “Duolingo”, “Busuu” хизмати тил компетенциясини ривожлантиришга қаратилган аудио ва видео ёзувлар, ёзма матнлар, машқлар, тестлар ва бошқалар бўйича интерактив ўқув топшириқларини ўз ичига олади. “Quizlet” хизматидан шахсий компьютерлар ва мобил қурилмаларда фойдаланиш мумкин, у билан танишиш ва уни ёдлаш учун луғат карталарини яратишга имкон беради, шунингдек, ўрганилган луғатни ўргатиш ва мустаҳкамлаш учун кейинги машқларни таклиф қилади

“Practice English Grammar” иловаси гаплар тузиш, бир неча танлов тести, саволлар билан тинглаб тушуниш ва луғат ва грамматика бўйича машқ қилиш имконини беради³⁸.

³⁴ Титова С.В. Дидактические проблемы интеграции мобильных приложений в учебный процесс // Вестник Томского государственного университета. 2016. Т. 21. Вып. 7-8. –С. 9.

³⁵ Ўша мақола. Ўша бет.

³⁶ Азимов Э. Г., Шукин Н. А. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). М.: Изд-во ИКАР, 2009. – С. 362

³⁷ Титова С.В. Дидактические проблемы интеграции мобильных приложений в учебный процесс // Вестник Томского государственного университета. 2016. Т. 21. Вып. 7-8. –С. 11

³⁸ Авраменко А.П., Шевченко В.Н. Мобильные приложения как инструмент геймификации языкового образования // Вестник МГОУ. Серия: Педагогика. 2017. № 4. С. 66-67

Г.И. Окан фикрича “олий ўқув юртида ўқитишнинг фаол усуллари жорий этиш зарур ва замон талаби. Ҳар бир ўқитувчи “педагогик янгиликлар”, “фаол ўқитиш усуллари”ни билиши ва дарсга киритиши кераклигини таъкидлаб ўтган³⁹. У асосий эътиборни талабаларни касбий томондан мукамал бўлиши учун “Ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш” кўникмаларини инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали ўстиришга қаратган.

Нутқ компетенциясини ривожлантириш учун нутқни идрок этиш ва яратиш мақсадида тил ёрдамида фикрларни шакллантириш ҳамда шакллантириш усулларига эга бўлиш қобилияти зарур⁴⁰. Бу нутқ компетенциясини ривожлантиришга “SeaSaw”, “SpeakingPal”, “VoiceThread” каби мобил иловалари бор. Масалан: “SeaSaw” дастурида тил ўрганувчи ўзининг аудио ва видеоёзувини ёзиб олиб, қайта қайта тинглаш имконияти берилади.

Турли хил электрон маҳсулотлар турли мақсадларга йўналтирилган бўлади. Ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришга қаратилган дастурларда маданиятлараро мулоқот жараёнида социал-маданий билимлардан фойдаланиш қобилияти ҳам мужассамланган⁴¹. Бу компетенцияни ривожлантиришга қаратилган дастурларга “Memrise”, “Story Maker”, “ESLvideo” каби мобил иловалари киради. “Memrise” иловаси ўрганиш учун кенг кўламли мавзуларни (санъат, фан, ўйин-кулги ва бошқалар), шунингдек, ҳар хил турдаги вазифаларни таклиф қилади⁴².

“Grammar Up” грамматик қоидалар ва сўзлардан фойдаланиш мисолларини ўз ичига олади.

“Langbook” мобил иловасидан электрон луғат ва таржимон сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. “Langbook” иловаси ва веб-сайти тўрт турдаги тренинглари ёрдамида янги луғатни ёдлашга қаратилган: сўз таржимаси, сўз-сўз, таржима-сўз, сўз конструктори ва тинглаб тушуниш.

“Mondly Languages” иловасида онлайн маърузаларни тинглаш ва суҳбатлашиш имкони мавжуд.

“Pimsleur” иловаси дунё контекстига асосланган 30 дақиқалик асосий аудио дарсларни тақдим этгани боис, тинглаш орқали муҳим сўз бойлиги, тўғри талаффуз ва энг муҳими, сўзлашув услубларини ўзлаштириш мумкин.

“Beelinguapp” мобил иловаси орқали параллел тил ўқитиш услубини ўрганиш мумкин, яъни турли тиллардаги ҳикояларни ёнма-ён кўриш орқали тил ўрганишга қулай дастур. Бу илова тил ўрганувчи даражасига қараб турли ҳикоялар тавсия қилади, бир пайтнинг ўзида параллел тарзда таржимасини ҳам кўриш мумкин бўлади. Бу илоадан матнларни нафақат ўқиш орқали балки, тинглаш орқали ҳам ўрганиш мумкин.

³⁹ <https://cyberleninka.ru/article/n/xorijiy-tillarni-mukammal-o'qitishda-kompyuter-texnologiyalarning-o'rni>

⁴⁰ Азимов Э. Г., Шукин Н. А. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). М.: Изд-во ИКАР, 2009. – С.251.

⁴¹ Азимов Э. Г., Шукин Н. А. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). М.: Изд-во ИКАР, 2009. – С.286

⁴² Авраменко А.П., Шевченко В.Н. Мобильные приложения как инструмент геймификации языкового образования // Вестник МГОУ. Серия: Педагогика. 2017. № 4. С. 68.

ХУЛОСАЛАР

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Демак мобил иловалар уч гуруҳга бўлинади ва улар - мавжуд ўқув қўлланмалари ва курсларига қўшимча равишда синфда ва дарсдан ташқари ишларда қўлланиладиган мобил иловалар, ўқув фанини мустақил ўрганишга мўлжалланган, ўқитувчи томонидан қўшимча материал сифатида фойдаланишга берилган иловалар, фанга доир барча асосий ўқув материалларини ўз ичига олган масофавий таълим учун иловалардир.

Чет тилини ўргатишда мобил иловалардан фойдаланиш имкониятлари кўп ва ранг-баранг ва замонавий таълим жараёнида долзарб ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир замонавий ўқитувчи “педагогик янгиликлар”, “фаол ўқитиш усуллари”ни билиши ва дарсга киритиши зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдукодиров В. Г. Тил ўрганишда мобил иловалар//Eurasian Journal Of Academic Research. Т. - 2022. №. 6. - Б. 810-812

2. Авраменко А.П., Шевченко В.Н. Мобильные приложения как инструмент геймификации языкового образования // Вестник МГОУ. Серия: Педагогика. 2017. № 4. -С. 64-71.

3. Азимов Э. Г., Щукин Н. А. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). М.: Изд-во ИКАР, 2009. - 448 с.

4. Акай О.М., Завгородняя Г.С. Роль Интернет-технологий в современной концепции обучения иностранным языкам [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования. 2015. №

5. 5.Воевода Е.В. Интернет-технологии в обучении иностранным языкам // Высшее образование в России. 2009. № 9. - С. 110-114.

6. Герасимова Н.И. Использование мобильных приложений в обучении иностранному языку на неязыковых факультетах [Электронный ресурс] // Ученые записки. Электронный научный журнал Курского государственного университета. 2019. № 3 (51).

7. Григоренко А.М. Мобильные приложения как средство организации самостоятельной работы при изучении грамматики иностранного языка // Научно-педагогическое обозрение. 2019. № 1 (23). -С. 122-129.

8. Гузь Ю.А. Эффективное использование мобильных приложений и планшетов в обучении иностранному языку // Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2017. № 4 (21). -С. 59-62.

9. Еремин Ю.В., Крылова Е.А. Использование мобильных технологий в самостоятельной работе студентов по иностранному языку в неязыковом вузе // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. 2014. № 167. -С. 158-166.

10. Загуменникова Н.В. Мобильное обучение в преподавании русского языка как иностранного: классификация, обзор возможностей мобильных приложений // Вестник ПНИПУ. Проблемы языкознания и педагогики №4. 2022. – С.109-119
11. Куклев В.А. Становление системы мобильного обучения в открытом дистанционном образовании: автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – Ульяновск, 2010. –47 с.
12. Курбакова М.А., Колесникова А.А. Использование приложения Quizlet в обучении техническому английскому // Педагогическое образование в России. 2019. № 8. – С. 103-109.
13. Макарова Т.А. Современные ориентиры обновления содержания образования в высшей школе // Профессиональное образование. 2015. № 3. –С. 39.
14. Одинокая М.А., Коллерова М.В. Роль образовательных мобильных приложений в изучении английского языка // Интерактивная наука. 2017. № 12. – С. 100-102.
15. Пащенко О.И. Информационные технологии в образовании. Уч.-мет. пособие. Нижневартовск: Изд-во НВГУ, 2013. – 227 с.
16. Приходько Е.А. Современные информационные (мобильные) технологии в преподавании грамматики английского языка (нелингвистические специальности) // Вестник МГЛУ. № 9 (720). –С. 147-150.
17. Сысоев П.В. Современные информационные и коммуникационные технологии: дидактические свойства и функции // Язык и культура. № 1 (17). –С. 120-133.
18. Титова С.В. Дидактические проблемы интеграции мобильных приложений в учебный процесс // Вестник Томского государственного университета. 2016. Т. 21. Вып. 7-8. –С. 7-14.
19. Chinnery G.M. Going to the MALL: Mobile Assisted Language Learning // Language Learning & Technology. 2006. Vol. 10. No 1. –P. 9-16.
20. Jones S. PLATO: computer-based education system [Электронный ресурс] // Encyclopaedia Britannica [сайт]. 2020.
21. Woodill G. The mobile learning edge: tools and technologies for developing your teams. NY: McGraw Hills. 2011. -- 269 p.
22. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/05/06/videoselector/>
23. <https://cyberleninka.ru/article/n/xorijiy-tillarni-mukammal-o'qitishda-kompyuter-texnologiyalarning-o'rni>